

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎРТА АСР АРАБ НАҲВИДАН НАМУНАЛАР
фанининг**

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	220000	гуманитар фанлар ва санъат
Таълим соҳаси:	220000	гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5A 220102	Лингвистика

Тошкент – 2009

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2009 йил «___» _____ даги «___» -сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат шарқшунослик институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Носирова М.А.

–“Араб филологияси” кафедраси
доценти, ф.ф.н.

Такризчилар

Рустамий С

–Тошкент давлат шарқшунослик
институти “Араб филологияси”
кафедраси доценти, ф.ф.н.

Исломов З.

–Тошкент ислом университети
Исломунослик илмий-тадқиқот
маркази директори, ф.ф.д., проф.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий-услубий кенгашида тавсия қилинган (2009йил_____даги «___» -сонли баённома)

Кириш

Ушбу дастур ўрта аср араб тилшунослиги, унинг характерли хусусиятлари, классик араб тилининг ҳозирги замон араб тилидан фарқли томонлари, грамматик талқиннинг ўзига хослиги, унинг ғарб ва рус грамматик асарларидан тубдан фарқ қилиши масалаларини қамрайди.

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари

Фанни ўқитишдан **мақсад** - толибларнинг араб тилшунослигидан олган билимларини янада чуқурлаштириш ва тилшунослик соҳасидаги билимларини замона талабларига жавоб бера оладиган даражага келтириш.

Фаннинг **вазифаси** - толибларни араб тилшунослигининг муҳим масалалар, хусусан ўрта аср араб грамматикаси билан таништиришдир.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

«Ўрта аср араб наҳви » танлов фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида магистр:

- Араб тилшунослигига оид турли назариялар, лингвистика илмининг таркибий қисмлари ва уларнинг мазмуни ҳақида **билиши керак**;

- араб тилшунослигининг ўзига хос жиҳатларини ғарб тилшунослигидан фарқлаш, уларнинг лингвистик хусусиятларини тўғри белгилаш **кўникмаларига эга бўлиши керак**;

- араб тилшунослигига хос билимлар билан чуқур танишиш, олган билимларини илмий тадқиқот ишларида тадбиқ қила билиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

«Ўрта аср араб наҳви » фани танлов фан ҳисобланиб, магистратура йўналишида 1-семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш учун ўқув режасида кўзда тутилган **умумметодологик** (илмий тадқиқот методологияси, амалий хорижий тил, ахборот технологиялари) ва

мутахассислик фанлари (мутахассисликнинг назарий масалалари, араб тилшунослиги тарихи ва араб тили(матнни ўқиш ва уни талқин қилиш масалалари) ,**танлов фанлар** (классик араб тилининг хусусиятлари, араб тилидаги синтаксис таркиботлар, араб луғатшунослиги, стилистика, араб тили киёсий грамматика) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиш талаб этилади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Мазкур фандан олинган билимлар ўрта умумтаълим мактаби, академик лицей, касб – ҳунар коллежлари ўқувчилари ва бакалаврга араб тилининг грамматикаси (морфология ва синтаксис)га оид дарсларни ўқитиш жараёнида кўл келади. Ўрта асрларда ижод қилган араб олимлари билан ҳозирги замон ғарб арабшуносларининг грамматик асарларини киёсий ва танқидий ўрганиш имконини беради. Шунингдек, Республика кўлёзма фондларида сақланаётган кўлёзма ва тошбосма асарларнинг катта қисми «Ўрта аср араб тилшунослиги»га бағишланган ва унинг қоидаларига риоя қилинган ҳолда ёзилган бўлиб, уларни тадқиқ қилиш ҳозирги кун филологлари олдидаги муҳим вазибаларидан бири ҳисобланади. Маънавий бойликларимиздан ҳисобланган бундай асарлар араб тилшунослиги бўйича қимматли маълумотлар манбаидир. Шунинг учун ҳам бу фаннинг шарқ тиллари билан боғлиқ илмий тадқиқот институтларида илмий фаолият олиб боришдаги аҳамияти каттадир.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг «Ўрта аср араб наҳви » фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг замонавий усулларида, янги информацион- педагогик технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу фанни ўқитишда ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар, жадвал, схема ҳамда интернет маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

Асосий қисм
Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни
Исм боби

Сўз, сўз туркумлари ва гапнинг таърифи. Исм турлари, атоқли ва турдош отлар. Турланадиган исмлар, уч келишликли ва икки келишликли исмлар.

Бош келишик.

Бош келишикдаги исмлар, эга, кесим. Аслига ўхшаш бош келишикдаги исмлар.

Тушум келишиги.

Тушум келишигидаги исмлар: Мутлоқ масдар. Воситасиз тўлдирувчи, ўрин-пайт ҳоллари, сабаб мақсад ҳоли, биргалик тўлдирувчиси.

Тушум келишигида турадиган сўзлар.

Аслига ўхшаш тушум келишигидаги исмлар. Ҳолат ҳоли, чеклаш, истисно, كان و إن , бобидаги эга-кесимлар ҳақида.

Қаратқич келишиги

Қаратқич келишигидаги исмлар. Маънавий ва лафзий изофа. Турланадиган исмлар билан мослашадиган тобе сўзлар, таъкид, мослашган аниқловчи, изоҳловчи ва ҳоказо.

Келишикларда турланмайдиган сўзлар.

Турланмайдиган исм. Кишилиқ олмошлари, нисбий олмошлар, кўрсатиш олмошлари. Аниқ ва ноаниқ ҳолатдаги исмлар.

Грамматик сон категорияси

Иккилик сон. Кўпликдаги исмлар. Тўғри кўплик, синиқ кўплик.

Грамматик жинс категорияси

Музаккар ва муаннас исм. Ҳақиқий муаннас жинси ва лафзий муаннас жинсдаги исм. Кучайтирма отлар. Кам микдорни билдирувчи кучайтирма отлар ва кўп микдорни билдирувчи кўчайтирма отларнинг кўплиги.

Сон ва феълдан ясалган исмлар.

Нисбий исмлар, санок сонлар, уларнинг саналмиш билан мослашиши. Феълга боғлиқ исмлар. Масдар, аниқ ва мажхул даража сифатдош. Элатив-сифатнинг орттирма даражаси.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда талабалар (магистрантлар) араб тилшунослигига оид назарий асарларни тадқиқ ва таҳлил қилишни ўрганадилар, тилшунослик назариясига илмий ёндашадилар ва ўрта асрлар шарқ тилшунослиги масалаларини замонавий тилшунослик билан қиёсий ўрганадилар. Амалий машғулотларнинг тахминан тавсия этиладиган мавзулари:

1. أصناف الاسم. المعرب . منصرف و غير منصرف
2. المرفوعات. المبتدأ و الخبر. ملحق به.
3. المنصوبات. مفعول مطلق. مفعول به.
4. الملحق به. الحال . الاستثناء.
5. المجرورات و التوابع.
6. المبني. المعرفة و النكرة.
7. المثنى و الجمع.
8. المذكر و المؤنث . المصغر.
9. المنسوب. أسماء العدد.
10. الأسماء المتصلة بالأفعال.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор ва ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий машғулотлар орқали янада бойитадилар. Шунингдек дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезислар чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича слайдлар ва кўргазмаларни курувлар, жадваллар тайёрлаш тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Мазкур фанни ўқитишда лаборатория ишларини амалга ошириш кўзда тутилмаган.

Курс лойиҳасини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Ушбу фан юзасидан курс лойиҳасини ташкил этиш мўлжалланмаган.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мазкур фан юзасидан мустақил иш ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

- фан юзасидан махсус адабиётлардан фойдаланган ҳолда мавзулар устида ишлаш;
- интернет саҳифаларидан фойдаланиб мавзу юзасидан маълумот олиш;
- қўлёзма фондларида мавжуд асарларнинг қўлёзма ёки тошбосмаси асосида маълумот тўплаш;

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв»нинг Тошкент қўлёзма нусхалари

2. «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв»нинг феъл боби

أفعال الناقصة. أفعال المقارب. فعلا التعجب. فعلا المدح و الذم، المتعدي الماضي، المضارع و غير المتعدي. المبني للمفعول. أفعال القلوب،

3. «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв»нинг ҳарф боби حروف أصناف الحروف. حروف الإضافة. الحروف المشبهة بالفعل. حروف العطف. حروف النفي. حروف التثنية، حروف الاستثناء. حروف الصلة. حروف حروف التصديق. حرفا الخطاب.. حروف النداء. حرفا الاستفهام. حرف التقریب. حرفا التفسير..... اللامات. التخصيص.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Ушбу фанни ўқитиш давомида таълимнинг замонавий методлари, илғор педагогик ва ахборот воситаларининг қўлланилиши назарда тутилган. Жумладан;

- Ўрта аср араб тилшунослгига оид мавзуларнинг маъруза дарсларида компьютер технологияси ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;

- Араб тилшунослиги бўйича машғулотларда ақлий ҳужум, кичик гуруҳлар мусобакалари каби педагогик технологияларни қўллаш назарда тутилади.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Носирова М.А. Ўрта аср араб нахвидан намуналар. -Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти. 2004. -72 б.
2. "Ал-Унмузаж фи-н-нахв"нинг киёсий матни. Туз: ф.ф.н. Носирова М.А. Қаранг: Маҳмуд Замахшарийнинг "Ал-Унмузаж фи-нахв" рисоласи - араб тили грамматикасига оид асар" - номз. дисс. -Т.: 2003. Илова.

Қўшимча адабиётлар

1. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. - М.: Русский язык, 1977. - 942с.
2. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. М. 1963.
3. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. 1 жилд. -Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 1997. - 453б.
4. Ковалев А.А., Шарбатов Г.Ш. Учебник арабского языка. -М.: Вост. литер. 1998. - 752с.
5. Мамедов А. Учебник арабского языка. - Баку.: Маариф, 1984 - 313с.
6. Маҳмуд аз-Замахшарий. Ал-Унмузаж. -Т.: Тошкент Ислом университети. 2001. - 75б.
7. Талабов Э. Араб тили - Т.: Ўзбекистон., 1993. -406б.
8. Холидов Б.З. Учебник арабского языка. -Т.: Ўқитувчи, 1977. - 654с.
9. Шагаль. Учебник арабского языка. - М.: Политизрат., 1981. -
10. Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка. -М.: Наука, 1985. - 172с.
11. Кузьмин С.А. Учебник арабского языка. -М.: Вост. лит. 2001. - 383с.
12. الدكتور حسنى عبد الجليل يوسف. شرح الانموذج في النحو للعلامة الزمخشري بشرح - الاردبيلي جمال الدين عبد العنى. مكتبة الآداب. القاهرة. 1995. ص. 213.
13. محمود الزمخشري. المفصل في النحو. مصر. 1323/1987 - ص. 408.